

Биринчи августдан эътиборан вилоятимизда «маориф ойи» бошланди. Демак, бу ой масориф ойи эмас, маориф ойдир. Сўз-карор ойи эмас, ишлаш ва тиришиш ойдир.

Бўлуб ўтган маориф ойларида ишдан кўра сўзга, югуришдан кўра-ухлашга ва мадохилдан кўра - масорифга кўбрак ахамият берилганлиги учун натижада маориф киссаси яна бурунгидек касал, мактабларимиз яна илгаригидек камбагал, болаларимиз яна «чи мехони, порсола», маорифчиларимиз эса тагин аввалгидек «Ахмади порина» бўлуб колгон эдилар.

Энди бу дафъа коп-коп умид киламизким, аввалги хатоларга ва танбалликларга такрор йўл берилмагай, бадки бу дафъа огиз билан иш битирувчилар сўз ва карор мажлисидан бадарга килингай. Уларнинг ўрнида маориф курбонлигига муносиб кўймижозлик семизгина кишилар ишга олингай.

Сўнгги йилларда мактаб учун етарлик яхши бинолар йўклигидан, кўб болаларимиз кўчада қолиб ит урушдиришга, ошик ва ёнгок ўйнашга мажбур бўлдилар. Кўб ўгулларимиз эски мактабларда камалиб, похоллар устида кўчкор урушдуруб, кўйлак-иштон йиртиш билан умр ўтказдилар. Саноксиз ота-боболаримиз, мактаб ва муаллим йўкликдан ўз жигарпораларини (бекор юрмасун, хунар ўргансун деб) кўхнадуз, собунпаз ва самовархоналарга элтиб шогирд кўйишга тутиндилар. Булардан бошка хисобсиз хотун-кизларимиз, бурунги маорифчиларимизнинг сояи маориф вояларида сакич чайнаб ва гиди-биди гийбат тўкиш билан уруниб эшикдан-эшикка, тешикдан-тешикка юрадилар...

Мана, энди «маориф ойи» яшадан асли мақсад шу дардлар учун даво топиш бўлса керак. Букун бизга мактаб керак, унга яраша асбоб ва муаллим керак. Булар учун оқча керак. Оқча учун химмат керак. Буларнинг хаммаси учун гайрат ва фаолият керакдир...

«Маориф ойи» муносабати билан «Машраб» бошкармаси ўзининг барча ажина мухбирларига сафарбарлик эълон этди. Токи мухбирларимиз бу ойда тўрт кўз ва саккиз кулок билан маорифчиларнинг аъмолини таъкиб этиб, «киром ул-котибин»дек иш кўргайлар. Шуни хам айлаб кўйиш керакким, биз бу ойда «астойдил» ишлаган маориф ходимларига ўзимизнинг холис «баракалло»дан ясалтон медал (нишон)ларимизни инъом этишни ваъда айлаб, аммо чатокчи ўртоқларимизнинг суратини пес-мохов килиб

«Машраб»га ўтказишдан ҳам тортинмасмиз.

Ботурбек

«Машраб», 1924 йил, 5-сон